

АБУ ХАФС АН-НАСАФИЙНИНГ “АЛ-ҚАНД” АСАРИДА КЕЛТИРИЛГАН ТИЛШУНОСЛАР

Садуллаева Нодира Намозовна, Тошкент давлат шарқишунослик университети “Мумтоз филология ва адабий манбашунослик” кафедраси катта ўқитувчиси



<https://orcid.org/>

[0000-0002-9303-7130](https://orcid.org/0000-0002-9303-7130)

e-mail:

ninishka12@gmail.com

LINGUISTS CITED IN “AL-QAND” BY ABU HAFS AN-NASAFI

Sadullaeva Nodira Namozovna, Classical philology and literary source studies senior teacher of the department, Tashkent State University of Oriental Studies

ЛИНГВИСТЫ, ЦИТИРОВАННЫЕ В “АЛЬ-КАНД”Е АБУ ХАФС АН-НАСАФИ

Садуллаева Нодира Намозовна, старший преподаватель кафедры «Классическая филология и литературоведение» Ташкентского государственного университета востоковедения

Аннотация: Ушбу мақолада Абу ан-Насафийнинг “Ал-қанд” асарида келтирилган тилшунослар ҳақида батафсил берилган. Самарқанд уламолари ҳақида ёзилган Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китоб ал-Қанд” асари бизгача етиб келган бебаҳо манбалардан биридир. Асар Самарқанд маънавий муҳити, жумладан, ҳадис илми тараққиётини акс эттиришига бағишланган бўлса-да, унда қатор тилшунослар тилга олинган. Мақола мазмунини очиқ беришида Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросидан кенг фойдаланилди. Хусусан, олимнинг “Ал-Явоқит фил мавоқит” асари Мовароуннаҳрлик муҳаддисларни аниқлашда асосий манба сифатида кўрилди.

Калит сўзлар: ҳадис илми, фикҳ, муфассир, муҳаддис, мутакаллим, адиб, шоир.

Abstract: This article details the linguists mentioned in Abu An-Nasafi’s *Al-Qand*. “*Kitab al-Qand*” by Abu Hafs al-Nasafi, written about the scholars of Samarkand, is one of the invaluable sources that have come down to us. Although the work is dedicated to reflecting the spiritual environment of Samarkand, including the development of the science of hadith, a number of linguists are mentioned in it. The scientific heritage of Abu Hafs Nasafi was widely used in revealing the content of the article. In particular, the scientist’s work “*Al-Yavaqit fil mawaqit*” was considered as the main source for identifying the muhaddis of Movarounnahr.

Keywords: science of hadith, jurisprudence, commentator, muhaddis, mutakallim, writer, poet.

Аннотация: В этой статье подробно описаны лингвисты, упомянутые в «Аль-Канде» Абу ан-Насафи. «Китаб аль-Канд» Абу Хафса ан-Насафи, написанная об учёных Самарканда, является одним из бесценных источников, дошедших до нас. Хотя работа посвящена отражению духовной среды Самарканда, в том числе развитию науки хадисов, в ней упоминается ряд лингвистов. При раскрытии содержания статьи широко использовалось научное наследие Абу Хафса Насафи. В частности, работа учёного «Аль-Явақит фил мавоқит» рассматривалась как основной источник для выявления мухаддисов Мовароуннахра.

Ключевые слова: хадисоведение, юриспруденция, комментатор, мухаддис, мутакаллим, писатель, поэт.

КИРИШ. Ислом динини қабул қилган ажам халқлари учун араб тили ўзига хос чўққи бўлган. Илм толиблари ушбу чўққига чиқмасалар Қуръон ва ҳадис каби асосий манбалардан бевосита фойдалана олишмас эди. Араб тилшунослиги бўйича йирик мутахассисликларнинг араб бўлмаган туркий ва бошқа халқлар орасидан чиқиши ҳам ушбу халқларнинг ушбу чўққини забт этишларига бўлган интилиш ва ғайратини кўрсатади. Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг замондоши бўлган Маҳмуд аз-Замахшарийнинг бу борадаги катта хизматини эслатиб ўтиш жоиз. Ҳатто ушбу икки олим орасида бўлиб ўтган воқеада уларнинг мулоқаотларида ҳам араб тили грамматикасининг салмоқли таъсирини яққол кўриш мумкин.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Муҳаммад Найсобурий, Абул Қосим Маҳмуд ибн Абу Тавба Вазир каби шоғирдлари ҳадис ривоят қилган[11;435]. Абу Ҳафс Насафий ривоят қилган ҳадисларда Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ибн Аббос, Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Фазл Хайзоҳазий, Абу Собит Муҳаммад ибн Аҳмад каби муҳаддисларнинг ҳаволаси билан ҳадисларни ривоят қилган. Хусусан, ўша ривоятларнинг бирида Абу Собит Муҳаммад ибн Аҳмаддан 420/1029 йил ражаб ойида ҳадисларни ёздирди дея келтирган[9;646]. Бундан маълум бўладики, у 6 ёшиданок ҳадислар эшитишни бошлаган ва бу устози унинг илк устозларидан бири бўлган.

МУҲОКАМА. Бир куни Абу Ҳафс Умар ан-Насафий Хоразмга Замахшарийнинг уйига меҳмонга бориб, эшикни тақиллатади. Ичкаридан Замахшарий “Тақиллатаётган ким?” деб сўрайди. Ташқаридан Насафий: “Умар”, - дейди. Шунда араб тили устаси бўлган олим Замахшарий “انصرف” дейди. Насафий “عمر لا” деб жавоб беради. Шунда Замахшарий “اذا نكر ينصرف” дейди.

Бунда диққат қилинадиган нарса шуки, “انصرف” феъли кетишни ҳамда уч келишикли бўлишни ифодалайди. Маълумки, араб тилида “عمر” исми икки келишикли. Шунга кўра, биринчи маънога кўра кетишга буйруқ бўлса, иккинчи маънога кўра уч келишикли бўлишга

амр қилинган бўлади. Бунга Насафийнинг берган жавоби икки маънони ҳам қамраган ҳолда “عمر لا ينصرف” дейиши унинг заковатини кўрсатади.

Зеро бу иборада биринчи маънога жавобан Умарнинг кетмаслиги тушунилса, иккинчи маънога кўра “Умар” атоқли отнинг фақат икки келишиклида келиши мумкинлигини, 3 келишиклида бўлмаслигини таъкидлаган бўлади. Замахшарий бунга жавобан “اذا نكر ينصرف”, яъни агар мажҳул бўлса кетади ёки уч келишиклида келади деган мазмунда жавоб беради.

Маълумки, XI-XII асрлар Мовароуннаҳрда илм-фаннинг ривожланган бир пайти бўлган. Замахшарийдек инсонларнинг камолга етиши бу даврда араб тили грамматикасига, умуман тилшуносликка бўлган қизиқишнинг ўсганлигини кўрсатади. Буни “Ал-Қанд” асарида келган тилшунос олимларнинг автобиографияси ҳам исботлайди.

НАТИЖАЛАР. Аммо, бу ерда бир муаммо борки, Абу Ҳафс ан-Насафий зикр қилган тилшуносларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳрдан ташқари ҳудудларга мансуб кишилар бўлган. Тўғри ушбу олимлар Мовароуннаҳрга келиб илм ўрганишган ва ўргатишган. Аммо Насафий уларнинг барчасини ҳам зикр қилмаган.

Бунинг асосий сабаби китобнинг мақсади бўни ўз ичига олмас эди. Сабаби, асар аслида Самарқанд заминида бўлган муҳаддислар ёки ҳадис ривоят қилган ёки эшитган кишилар ҳақида маълумот бериш китобнинг асл мақсади. Демак, асарда зикр қилинган тилшунос олимлар ҳадис билан ҳам шуғулланган бўлишсагина Насафий уни қайд этган.

Абу Ҳафс Насафийнинг “Татвил ал-асфор ли таҳсил ал-ахбор” асари номланишидан келиб чиқиб ушбу асар “муснад” жанрида ёзилган дейишимиз мумкин. Чунки тарожим китоби муаллифлари Абу Ҳафс Насафий ушбу китобдан 550 та устозидан ҳадисларни ривоят қилганини келтириб ўтганлар. Агар муаллиф ҳадисларни устозларига боғлаган ҳолда келтирган ва ҳадислар алоҳида бобга ажратилмаган бўлса, муснад китоблар туркумига киради.

ХУЛОСА. Тилшунос олимлар асосан араб тилининг морфологияси – илм ас-сарф ёки

ат-тасриф ва грамматика – илм ан-наҳв билан шуғулланган ёки ушбу фанлар бўйича асар ёзган кишилардир. Жумладан қуйидагилар асарда зикр қилинган:

1. Абу Солиҳ Салма ибн ан-Нажм ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бухорий. Салмуя лақаби билан танилган.

Араб тили грамматикаси (наҳв) билан шуғулланган.

Самарқандда яшаган ва шу ерда 290-йиллари ҳадис ривоят қилган.

У Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Идрис ар-Розийдан ривоят қилган.

Ундан Аҳмад ибн Солиҳ ибн Ужайф ас-Самарқандий ривоят қилган¹.

2. Абдулжаббор ибн Аби Тоҳир ибн ал-муфтий ибн Али ибн Абилашъас ибн Мусо ас-Самарқандий.

Имом, ҳофиз, хатиб, фозил ва араб тили грамматикаси билан шуғулланган.

Унинг фарзанди Ато Малик ҳам хатиб бўлган. 477 йил муҳаррам ойида жума куни вафот этган. 465 йил шаввол ойининг пайшанба кунида Самарқандда дор ал-Жўзжонияда ҳадис имло қилдиргани маълум.

У Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ан-Найсобурийдан ривоят қилган.

Ундан ўғли Ато Малик ривоят қилган².

3. Абу Муҳаммад Ато Малик ибн Абдулажаббор ибн Абу Тоҳир ибн ал-Муфтий ибн Али ибн Аби ал-Ашъас ибн Мусо.

Хатиб бўлган ва араб тили грамматикаси билан шуғулланган.

439 йил сафар ойида туғилган. 512 йил ражаб ойининг 21 жумъа куни вафот этган. Чокардизага кўмилган.

У отасидан ва Абу Ҳафс Умар ибн Аҳма ибн Муҳаммад ибн Шоҳин ал-Форисийдан ривоят қилган.

Ундан Абу Ҳафс Умар ан-Насафий ривоят қилган³.

4. Абу Аҳмад Исо ибн ал-Жунайд ал-Киссий.

Наҳв илми билан шуғулланган ва адиб бўлган. Морфология бўйича “ат-Тасриф” китобини ёзган. У Язид ибн Ҳорун, Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанна, Ҳишом ибн ал-Калбий ва бошқалардан ривоят қилган.

Ундан Адб адн Ҳамид, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Саҳли бин Шозуя ривоят қилган.

Саҳл ибн Шозуя шундай деган: “Хуросонликлар ичида ундан ақлли ва арабчани яхши биладиган одамни кўрмадим”⁴.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи ва кириш сўз муаллифи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Фафур Фулом, 2017.

2.Содиқов Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этнолингвистик жараёнлар. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 318.

3.Содиқов Қ. Эски туркий битиглар. – Т.: ТошДШИ, 2009.

Қанд. Ю.Ҳодий. –Б.. № 353.; Қанд. Фарёбий.

¹ Қанд. Ю.Ҳодий. –Б.. № 353.; Қанд. Фарёбий. –Б. № .

² Қанд. Ю.Ҳодий. –Б.. № 684.; Қанд. Фарёбий. –Б. № 484.

³ Қанд. Ю.Ҳодий. –Б.. № 1028.; Қанд. Фарёбий. –Б. № 819.

⁴ Қанд. Ю.Ҳодий. –Б.. № 1059.; Қанд. Фарёбий. –Б. № 850.

